

**НАВОИЙ ВИЛОЯТ СУДИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ
А Ж Р И М И**

(иш юритишни тугатиш тўғрисида)

Навоий шаҳри

2023 йил 13 апрель

Навоий вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати Т.Абдрамановнинг раислигида, ҳайъат аъзолари Х.Турсунов ва С.Жакеевлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Г.Тоғаеванинг суд мажлиси котиблигида, “Ҳ” хусусий корхонаси раҳбари Т.З вакили З.Б (3-сонли адвокатлик ордер ва ишончномага асосан), “Хатирчи деҳқон бозори” МЧЖ раиси Ҳ.От, Хатирчи туман ҳокимлиги вакили М.С (2023 йил 10 апрелдаги ишончномага асосан) иштирокида, даъвогар “Қ” МЧЖнинг “Хатирчи деҳқон бозори” МЧЖ таъсисчиларининг 2017 йил 2 июндаги навбатдан ташқари йиғилиши қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича юритилган иш юзасидан қабул қилинган Кармана туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 9 сентябрдаги ҳал қилув қарори устидан “Ҳ” хусусий корхонаси томонидан берилган апелляция шикоятини асосида ишни Навоий вилоят суди биносида бўлиб ўтган очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Даъвогар “Қ” масъулияти чекланган жамияти жавобгарлар Хатирчи туман ҳокимлиги, Н.Ҳ, З.У, Н.Х, А.А, Ш.Ё, О.П, С.Қ, Н.Қ, Қ.Шга нисбатан Кармана туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Хатирчи деҳқон бозори” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг 2017 йил 2 июндаги навбатдан ташқари йиғилиши қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суднинг ажримлари билан ишга қўшимча жавобгарлар сифатида “А” МЧЖ, “Хатирчи деҳқон бозори” МЧЖ иштирокчилари (таъсисчилари) У.В, Х.Н, О.М, Ё.К, А.Н, И.Т, Ш.Т, Н.Х, М.Қ, Р.Қ, Г.Қ, О.Н, Г.С, Т.Н, О.П, М.М, “Эркин” кичик корхонаси жалб қилинган.

Биринчи инстанция судининг 2022 йил 9 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво аризаси қаноатлантирилган.

Иш юзасидан қабул қилинган ҳал қилув қарори устидан “Ҳ” хусусий корхонаси апелляция шикоятини билан мурожаат қилган ва унда ҳал қилув қарори унинг манфаатига даҳл қилишини инобатга олиб, суд ҳужжатини бекор қилиш ҳамда даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилишни сўраган.

“Ҳ” хусусий корхонаси вакили Навоий вилоят хўжалик судининг қарорига асосан “А” МЧЖга “Хатирчи деҳқон бозори” МЧЖдан 146.975.051 сўм қарздорлик ундирилганлигини, ушбу қарздорлик эвазига Хатирчи туман ҳокимининг 08.06.2017 йилда Қ-946-сонли қарори чиқарилганлигини, қарор билан “меҳмонхона” биноси доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан



бириктирилганлигини, 16.06.2017 йилдаги 74-сонли келишув баённомасига асосан меҳмонхона биноси “А” МЧЖ раҳбари Л.С томонидан фуқаро М.Сга сотилганлигини ва “Маиший хизмат ва савдо дўкони”га қайта ихтисослаштирилганлигини, сўнг улуш сифатида “Хатирчи инвест экспорт” МЧЖга киритилганлигини,

02.06.2022 йилда “У” хусусий корхонасига сотиб юборилганлигини билдириб, ҳал қилув қарорини бекор қилишни, даъво талабини қаноатлантиришни рад этишни сўради.

“Хатирчи деҳқон бозори” МЧЖ вакили биринчи инстанция судининг суд мажлисида иштирок этганлигини, йиғилиш қарори тўғри чиқарилганлигини ва барча иштирокчилар чақирилганлигини, Қ-946-сонли қарор ўз кучида турганлигини, лекин йиғилишни чақириш бўйича ҳужжатлар мавжуд эмаслигини билдириб, қонуний қарор қабул қилишни сўради.

Хатирчи туман ҳокимлиги вакили йиғилиш қарори тўғри чиқарилганлигини, ҳокимнинг Қ-946-сонли низоли қарори бекор бўлмаганлигини билдириб, қонуний қарор қабул қилишни сўради.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, Навоий вилоят адлия бошқармаси томонидан 2011 йил 8 июль куни “Хатирчи деҳқон бозори” МЧЖнинг устави рўйхатга олинган.

Уставга кўра, жамият иштирокчилари сифатида Хатирчи туман ҳокимлиги, “Қ” МЧЖ, “Эркин” кичик корхонаси ва 24 та фуқаро қайд этилган.

Навоий вилоят хўжалик судининг 2017 йил 21 февралдаги 21-1705/519-сонли ҳал қилув қарори билан жавобгар “Хатирчи деҳқон бозори” МЧЖдан даъвогар “А” МЧЖ фойдасига 146.975.051 сўм асосий қарз ундирилган ва мажбурий ижрога қаратилган.

“Хатирчи деҳқон бозори” МЧЖ таъсисчиларининг 2017 йил 2 июндаги навбатдан ташқари умумий йиғилиш баёни (қарори)га кўра, унинг балансида бўлган меҳмонхона биноси қарздорликни қоплаш ҳамда ортиб қолган маблағни “Хатирчи деҳқон бозори” МЧЖга тарози сақлаш, ветеринария, лаборатория ҳамда ходимларга идора хоналарини қуриш ишларига йўналтириш учун топширилган.

Хатирчи туман ҳокимининг 2017 йил 2 июндаги Қ-946-сонли қарори билан меҳмонхона биносини бериш тасдиқланган ва шартлар бузилган тақдирда мазкур қарор ўз кучини йўқотиши инобатга олинган ҳамда “А” МЧЖга доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан бириктириб берилган.

“Хатирчи деҳқон бозори” МЧЖ иштирокчиси “Қ” МЧЖ Навоий туманлараро маъмурий судига ариза билан мурожаат қилиб, Хатирчи туман ҳокимининг 2017 йил 8 июндаги Қ-946-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Лекин, суд жараёнида “Хатирчи деҳқон бозори” МЧЖ таъсисчиларининг 2017 йил 2 июндаги навбатдан ташқари умумий йиғилиш баёни мавжуд эмаслигини ҳамда шикоят қилиш муддати ўтиб кетганлиги аниқланиб, Навоий туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 29 июль кундаги ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаб қаноатлантиришдан рад этилган.

ИПК 25-моддасида, иқтисодий судга ушбу Кодекснинг 30-моддасида кўрсатилган корпоратив низолар бўйича ишлар тааллуқлилиги, 30-моддасида



корпоратив низолар тоифасига юридик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш; юридик шахс бошқарув органларининг қарорлари устидан шикоят қилиш ва қонунга мувофиқ бошқа низолар ҳам киритилиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 262-сонли Қарори 1-бандига кўра, иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан ҳўжалик ширкатлари ўртасида, шу жумладан акциядорлар ўртасида, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасида ҳўжалик ширкатлари фаолиятидан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилишда ФК, ИПК, “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатларини қўллашлари лозим.

Мазкур Пленум қарорининг 20-бандига биноан “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 41-моддасига асосан жамият бошқарув органининг қарори ушбу қарорни қабул қилиш бўйича овоз беришда иштирок этмаган ёки баҳсли қарорга қарши овоз берган жамият иштирокчисининг даъвоси билан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиш қарори битим ҳисобланмаслиги сабабли умумий йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ ишларни кўришда ФКнинг битимларга оид нормаларни қўллашга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2019 йил 24 майдаги 13-сонли қарори 30¹-бандида низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахсларни башарти қарор тарафлардан бириға нисбатан уларнинг ҳуқуқ ёки мажбуриятларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, ишда иштирок этиш учун жалб қилишға йўл қўйилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан иқтисодий ишларни апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги 16-сонли қарори 2-бандига биноан ИПК 259-моддасига мувофиқ, апелляция инстанцияси судида иш юритиш даъвогар, аризачи, жавобгар, учинчи шахс, улар вакилларининг шикояти бўйича, прокурорнинг протести бўйича қўзғатилиши мумкинлиги, апелляция тартибида иш юритиш, шунингдек, ишда иштирок этишға жалб қилинмаган, суд ҳужжати ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир қилувчи ИПК 259-моддасига мувофиқ, суд ҳужжати устидан шикоят қилиш ҳуқуқиға эға бўлган шахсининг шикояти бўйича ҳам қўзғатилиши мумкин. Ушбу шахс суд ҳужжатида кўрсатилмаган ҳолларда ҳам, унинг устидан шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланади.

Лекин, мазкур иш корпоратив низодан, яъни “Хатирчи дехқон бозори” МЧЖ таъсисчиларининг 2017 йил 2 июндаги навбатдан ташқари умумий йиғилиш баёни (қарори)ни ҳақиқий эмас деб топишдан келиб чиққан ва “У” хусусий корхонаси ушбу қарорнинг қонуний ёки ноқонуний қабул қилинишиға алоқаси мавжуд эмас, шунингдек у “Хатирчи дехқон бозори” МЧЖ таъсисчи ёки



иштирокчи, шу билан бирга ишда иштирок этувчи шахс ҳисобланмайди ҳамда суднинг ҳал қилув қарори, йиғилиш қарори унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 273-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига кўра, апелляция шикояти суд ҳужжати устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса, апелляция инстанцияси суди шикоят (протест) бўйича иш юритишни тугатади.

Судлов ҳайъати, “Ҳ” хусусий корхонаси шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс эканлигини инобатга олиб, апелляция шикояти бўйича иш юритишни тугатишни лозим топади.

ИПК 118-моддасига мувофиқ, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига кўра, давлат божи иқтисодий суднинг ҳал қилув қарорлари, иш юритишни тугатиш ҳақидаги, даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги, суд жарималарини солиш ҳақидаги ажримлар устидан бериладиган апелляция, кассация шикоятларидан ундирилади.

Ушбу Қонуннинг 18-моддасида давлат божини тўлиқ ёки қисман қайтарилиши керак бўлган ҳоллар белгиланиб, ИПК 273-моддаси биринчи қисмининг 3-бандидаги ҳолатлар акс эттирилмаган.

Шунга кўра, судлов ҳайъати, суд харажатлари “Ҳангиробод” хусусий корхонаси зиммасига юклаб, улар тўланганлигини инобатга олишни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 273-моддаларини қўллаб, суд

а ж р и м қ и л д и:

“Ҳ” хусусий корхонасининг апелляция шикояти бўйича иш юритиш тугатилсин.

Ажрим қабул қилинган вақтдан бошлаб қонуний кучга киради.

Ажримдан норози тараф Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят келтириши мумкин.

Раислик қилувчи

ҳайъат аъзолари

Т.Абдраманов

Х.Гурсунов

С.Жакеев

